ТДТУ ҲУЗУРИДАГИ
АХБОРОТЛАР ИНСТИТУТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

қишлоқ мактабларида унга эътибор қандай?

“Зумраша”нинг гапи сизни ранжитмасин. Ўқувчиларга коптокни бериб қўйиб, ўзи бир четда сигаретни бурқситиб ўтирадиган муаллимга муносиб баҳо шу-да!..

2-бет

15 ЙИЛДАН КЕЙИН МДҲГА НИМА БЎЛАДИ?

Баъзи таҳлилчилар МДҲнинг собиқ иттифоқдош республикалар иштирокидаги Евроиттифоққа ўхшаш ривожланган уюшмага бирлашишини ҳам башорат қиладилар. Тан олиш керак, яқин келажакда башоратнинг амалга ошиши даргумон, мабодо, шундай бўлиб қолса, бу ҳол Ғарб тузилмаларига қўшилишга интилаётган давлатларнинг ташкилотдан чиқиш суръатини тезлаштиради, холос.

3-бет

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ... ОЛТИН МЕДАЛИ

Агар тиниш белгилари, сўз ҳар хилликлари, сўз узишлар, сўзни хато ўқишларнинг ҳаммасини нуқсон ҳисобласак, илгариги нашрлардаги китобларнинг ҳар бирида ўнта, юзта эмас, мингта ва ундан кўпроқ хатолар содир қилинган эди... Бундай талқинлардан Алишер Навоийнинг ичаги узилгудай кулса ажаб эмас.

4-бет

O`zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 44 (506) 2006-yil 8-noyabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна давом этмоқда!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Робита

САМАРҚАНДЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ФАРҒОНАДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими изчил ижодий ташаббускорлик билан фаолият юритаётгани ҳақида биринчи бор ёзаётганимиз йўқ. Таниқли журналист Муҳаммаджон Обидов бошқараётган мазкур ижодий жамоа кейинги бир-икки йил ичидаёқ вилоят оммавий ахборот воситалари фахрийлари ҳамда журналист кадрларга моддий ва маънавий эҳтиром кўрсатиш, заҳматкаш қалам аҳлининг ижодий кўтаринкилигини таъминлашга қаратилган бир қанча оммавий тадбирларни амалга оширганлиги қувонарлидир.

Шу қаторда, вилоят журналистлари намояндаларини Республикамизнинг бошқа вилоятларига ижодий ташрифларини уюштириш ва мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан таништириш, вилоятлараро ижодий ҳамкорликни йўлга қўйишдаги ташаббуслар таҳсинга лойиқдир.

Ана шу дастур асосида ижодий бўлим таклифи билан бир гуруҳ самарқандлик журналистлар куни кеча Фарғона вилоятида бўлишди.

Икки кунлик сафар чоғида меҳмолар вилоятнинг бир қатор матбуот ва телевидение таҳририятларида бўлишиб, ўз ҳамкасблари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Газеталар ва телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар таъсирчанлигини оширишга, журналистик фаолият самарасини мустаҳкамлашга доир масалаларда мулоқотлар бўлди, ўзаро фикр алмашилди.

— Айниқса матбуотдаги мавжуд муаммоларимиз кўпроқ бир хилга ўхшаб кетади, — дейди Самарқанд вилоят ҳокимлигининг «Зарафшон» газетаси муҳаррири Фармон Тошев. — Бу ўринда, танқидий ва таҳлилий чиҳишларнинг камлиги, материаллар таъсирчанлигининг пастлиги ва шунингдек, журналистлани ижтимоий ҳимоялашга доир масалаларни тилга олиш мумкин..

Дарҳақиқат, ўзаро мулоқотлар ошкора ва самимий бўлди. Иккала вилоят журналистлари ўзларида амалга оширилаётган ижобий ишларгагина тўхталиб қолмасдан, мавжуд муаммолар ва камчиликларни рўй-рост гапириб ўтиб, улардан халос топиш ва ишни давр талабларига хос йўлга қўйиш чоралари борасида ҳам қизғин мулоҳазалар юритишди.

Бугунликда айрим муассисларнинг матбуот сиёсати ва моҳиятини етарли англаб етмасликлари ва ўз газеталарини тақдир тақозосига ташлаб қўйганликлари оқибатида бу нашрлар «ўз умрини ўтаб» бўлмоқда. Жойлардаги баъзи бир ҳокимлик газеталари таҳририятлари ғоят ачинарли шароитларда «жон сақлаб» туришибди. Уларнинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар таркибини иқтидорли ёшлар ҳисобидан бойитиш масалаларига деярли эътибор берилмаяпти. Бу аҳволдаги газеталарнинг нашр ададлари 1-1.5 минг нусхага тушиб қолган бўлса ҳатто Қувасой шаҳар ҳокимлиги газетаси неча ойлардан буён умуман чиқмай ётибди.

Фарғона вилояти ҳокимлигида самарқандлик меҳмонлар шарафига ўтказилган қабул маросимида янги ҳоким Абдуҳошим Абдуллаев бу ерда ҳозир бўлган барча журналистлар олдида ана шу масалаларга тўхталиб: «Биз вилоятимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини талаб даражасига кўтаришни ўзимизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз», деди.

Самарқандлик журналистлар икки кунлик сафар чоғида унутилмас таассуротлар оғушида яшадилар. Вилоятнинг етакчи ижодий жамоалари билан, кўп йиллик иш тажрибасига эга таниқли журналистлар ҳамда шаҳар ва қишлоқларнинг бунёдкор кишилари билан мулоқотлардан беҳад руҳландилар. Шунингдек, Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг тарихий обидалари билан танишув ва, жумладан, Қўқон шаҳрининг янги ҳокими Ҳ.Каримов қабулидаги қизғин ва самимий мулоқотлар ҳам унутилмас таассурот қолдирди.

С. ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Анжуман

Тошкентдаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида 2-3 ноябрь кунлари “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш” мавзусида Марказий Осиё мамлакатларининг 10 - Халқаро Форуми бўлиб ўтди. Форумда Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, ЮНИСЕФ Халқаро болалар ташкилотининг Шарқий Европа, МДҲ давлатлари ва Марказий Осиё республикалари бўйича минтақавий директори Мария Каливис хоним ҳамда Марказий Осиё республикалари ҳукумат расмийлари иштирок этдилар.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

бирдамлик ва ҳамкорликни тақозо этади

Тадбир давомида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, шунингдек Ўзбекистондан вакиллар ўз минтақаларидаги аҳоли, уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар, она ва бола саломатлиги йўлидаги ислоҳотлар, ечим ва муаммолар ҳақида атрофлича хабар бердилар. Ташриф буюрган расмийлардан Жек Багрянский, Шива Кумар, Паскал Вильнёв, Реза Хоссайнилар ҳам мазкур мавзу бўйича маъруза ўқидилар. Тадбирнинг иккинчи қисмида йиғилганлар 4 та гуруҳга бўлиниб ОИТС, ёш болалар организмида учраётган нуқсонлар, она ва бола саломатлигини сақлашдаги асосий йўналишлар, муаммони ҳал қилишдаги тўсиқ ва имкониятлар каби мавзуларда муҳокамалар олиб боришди. Шундан сўнг журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Форумнинг иккинчи куни эса гуруҳларнинг ўз мавзулари бўйича тақдимоти, расмийларнинг маърузалари, савол-жавоблар ва якуний хулосага бағишланди.

Марказий Осиё давлатлари орасидаги бу ҳамкорлик тажриба алмашиш, тиббий билимларни мустаҳкамлаш, муҳим стратегияни танлай олишга ёрдам беради. Бу эса ўз-ўзидан масалани тезкорлик билан ҳал этиш учун катта имкониятдир. Муаммо битта. Аммо уни ҳар бир давлат ўз позициясига таяниб ҳал этади. Жаноб Шива Кумарнинг таъкидлаганидек, бу борада давлатлар бирдамлик йўлини тутганлари афзал, рақобатни эмас. Шундагина кўзлаган мақсадга эришилади. Ҳамкорликдаги ҳар бир давлат шу йўлни танлаган бўлса ажаб эмас.

Форумда унда иштирок этаётган мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича эришилган ютуқлар, тажрибалар ва муаммолар борасида ҳам сўз борди. Мамлакатимизда-чи?

Ўзбекистонда охирги йилларда она ва болага хизмат сифати бирмунча ошди. Мутахассислар халқаро стандартлар миқёсида билим ва тажриба оширди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан озуқавий микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2001 йилдан бошлаб юртимизда Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда минтақавий лойиҳа татбиқ этилиб, унинг доирасида 14 та ун ишлаб чиқариш корхоналари унни витаминлар аралашмаси ва минераллар билан тўйинтириш учун мўлжалланган дозаторлар билан жиҳозланди. 2004 йили Ўзбекистон Республикаси минтақадаги давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, унни бойитиш буйича Миллий дастурни амалга ошириш учун овқатланишни яхшилаш бўйича Глобал Альянснинг грантини қўлга киритди. Ўзбекистоннинг ўзига хос стратегияси қилиб муаммони аҳоли онгига етказиш, тушунтириш ишлари олиб бориш, ўз соғлиғини асраш руҳиятини шакллантиришни қўллаганини айтиш мумкин. Бунда ўзбек маҳалласининг ўрни беқиёс. Ундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг «Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини назорат қилиш режасига мувофиқ оммавий ахборот воситаларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бойитилган ун истеъмол қилишнинг аҳоли саломатлигига ижобий таъсирини ёритиш тавсия этилган ва бу бўйича танлов жорий этилган.

Форумда бот-бот такрорланганидек, фақат соғлом вужудгина ақлий ва жисмоний фаолиятни самарали олиб боришга қодир бўлади. Касалликлар миллат саломатлигига умумий раҳна солади ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатади. Буни бартараф этишда эса ҳамкорлик ва маълум стратегияга эга бўлиш муҳимдир.

Дурдона АЛИМОВА

Хушхабар

Андижон шаҳрида Журналистлар маҳорат маркази иш бошлади. Ёш журналистлар малакасини ошириш, ижодий маҳоратини ўстириш мақсадини кўзлаган марказ Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида ташкил этилди. Сир эмас, бугунги кунда вилоят матбуотида фаолият юритаётган кекса авлод журналистларнинг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш, яъни кадрлар масаласи кун тартибидаги муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Маҳорат маркази журналистикамиз олдидаги айни шу масалани ечишга хизмат қилади.

МАҲОРАТ МАРКАЗИ

водий журналистлари малакасини оширишга кўмаклашади

“Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари бирлашган таҳририятида ўтган марказнинг очилиш маросимида Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов, Ўзбекисон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Фарғона, Наманган ва Андижон ОАВда фаолият юритиб келаётган етакчи журналистлар иштирок этдилар.

Жамоат фонди директори Ж. Ҳакимов ўз чиқишида Журналистлар маҳорат марказининг очилиши шаҳар, туман ва вилоятнинг бошқа тармоқ газеталарида ишлаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш, эндигина ушбу соҳага қадам қўяётган ёш журналистларнинг ижодий қобилиятини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади. Бундан ташқари, марказ журналистларга Интернет орқали қўшимча ахборот олиш имконини ҳам беради. Матбуот нашрларининг маҳорат марказида таълим олган ёш интилувчан кадрлар билан тўлдирилиши пировардида газета-журналларда берилаётган материаллар савиясининг ошиши, бу эса ўз навбатида ўқувчилар аудиториясининг кенгайишига олиб келади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов ўз маърузасида маҳорат маркази ОАВ олдида турган бир қатор муҳим муаммоларни ечиш билан бирга бутун водий журналистлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишга имкон беришини айтиб ўтди.

ЎзА мухбири, янги очилган маҳорат маркази раҳбари С. Шукуровнинг маълум қилишича, айни пайтда Андижон вилоятида 39 та газета, 1 та журнал, 1 та давлат, 2 та нодавлат телерадиокомпания ва 1 та FM радиостанцияси фаолият юритмоқда. Мазкур ОАВда 230 нафар журналист ихтисослигига эга бўлган ходим ижод қилмоқда. Вилоят журналистларининг ўртача ёши 45 ни ташкил этади. Ҳудудда чоп этилаётган аксарият газета-журналлар бош муҳаррирлари ҳам аллақачон нафақа ёшига етган. Бу жиҳатдан маҳорат маркази нафақат Андижон, бутун Фарғона водийсида ёш журналистлар тайёрлаш муаммосини ечишга кўмак бериши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Сана

ЭНГ ЙИРИК ВА ЗАМОНАВИЙ

“Шарқ” НМАК бугунги кунда бир йилда 200 миллион нусхада газета, 20 миллион нусхада журнал, 35 миллион нусхада қаттиқ ва юмшоқ муқовали китоб чоп этиш қувватига эга

“Шарқ”нинг янги ном олгани ва нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айланганига 15 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган “Матбаачиликда илмий-техник тараққиёт, экспортга мўлжалланган кўп рангли китоб, журнал ва газета маҳсулотлари учун жиҳозлар ва материаллар” мавзусидаги V халқаро илмий-амалий конференция тарқатма материалларида ана шундай рақамлар келтирилди. Нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда энг йирик саналган бу нашриёт-матбаа компаниясини ўзини зиёли санайдиган киши борки яхши билади. Одатда “Шарқ” ҳақида гап кетганда “Матбаачилар сардори”, “Матбаачилар мактаби”, “Газеталар уйи”, “Журналлар уйи”, “Энг йирик нашриёт”, “Тугал ноширчилик-матбаачилик бирлашмаси” деган таъриф-тавсифлар тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки “Шарқ” НМАК кечагина ташкил этилган корхона эмас. Унинг бундай катта мақомга эришишида матбаачиларнинг қарийб саксон беш йиллик меҳнати бор. У том маънода мамлакатимизда ва Марказий Осиёдаги ноширчилик-матбаачилик саноати ташкил топишида пойдевор бўлди. Дарҳақиқат, у бугунги кунда тугал ноширчилик-матбаачилик бирлашмасига айланди. Бу борада унга ҳатто “ягона” деган таъриф ҳам беришади. Чунки қўлёзмаларни таҳририйбадиий тайёрлаш, уларни гўзал ва бежирим чоп этиш, истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган барча жараён шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Компания бугуни кунда энг замонавий ва тезкор компьютер технологиялари, CTP, “SIGLOCH” узлуксиз линияси, “Рондосет-170”, “Rapida”, “Orient”, “Spidmaster” рангли босма машиналарига эга. Ана шунинг натижаси ўлароқ компания ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатли ва ранг-баранг бўлиб бормоқда. Ҳозир бу ерда газета, журнал, китобдан ташқари рангли альбомлар, брошюралар, проспектлар, открыткалар, тақвимлар, гулқоғозлар, мобель текстуралари, бланкалар ва бошқа турли хил қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда.

Компания матбаачиликдаги жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш, технологияларини янада такомиллаштириш мақсадида Германия, Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Чехия ва Венгрия каби мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Компания, айниқса, бугунги кескин рақобат шароитида аввалги мавқеини йўқотмаслик учун тинимсиз изланмоқда ва шунга интилмоқда дейиш мумкин. Ва рақобат қанчалик кескин бўлмасин, у илғорликни қўлдан бермай келаётгани ҳам айни ҳақиқат. Компаниянинг Женевада дунёнинг 57 та мамлакати вакиллари иштирок этган халқаро конференцияда халқаро олтин юлдуз ва бир қанча халқаро танловларда махсус диплом ҳамда нуфузли мукофотлар билан тақдирланганини жаҳон миқёсидаги эътироф деб қабул қилмоқ керак.

Компаниянинг, эътироф этилганидек, яна бир устун жиҳати шаклланган қатъий тизим, тартиб ҳамда асосий ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари пойтахтнинг инфраструктура юқори ривожланган марказий қисмида жойлашганидир.

“Шарқ” НМАК бугунги кунда ҳар қандай мижоз учун қулай имконият, енгил шароит, тезкорлик ва ҳозиржавоблик, замонавийлик, яқин ва муқим офис, рақобатбардошлик, юқори даражадаги инфраструктура манбаига айланган. Ана шундай имконият ва воситалар “Шарқ”нинг мавқеини нафақат сақлаб қолмоқда, балки янада юқори даражага кўтармоқда дейиш мумкин.

МУХБИРИМИЗ

Босилмаса-да

Журналист Тўра Бек Тўразоданинг газетада босилмаган “Йўл тузарми ёки йўл тўсар” сарлавҳали мақоласи Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасида атрофлича ўрганиб чиқилди.

АСЛИДА БОШҚАЧА БЎЛГАН

Мазкур мақолада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан ўтказилган текширув жараёнида қуйидагилар аниқланди: 2006 йил 3 сентябрь куни Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХБ 2-отряд ЙПХ инспектори катта сержант Усмонов Илҳомжон Убайдуллаевич, ушбу отряд ЙПХ инспектори катта сержант Исаев Алишер Турғунович билан Бўка тумани Туркистон ш/х ҳудудида хизмат ўташаётганда “Тико” русумли, давлат белгиси 12 А 32 32 автомобили ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидасининг 12.2 банди “Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситалари тезлигини соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига рухсат этилади” талабларини бузиб, 78 км/соат тезликда ҳаракатланиб келаётганлиги учун тўхтатган. ЙПХ инспектори И. Усмонов ҳайдовчининг олдига бориб қўлини бош кийимига қўйиб ўзини таништирган, тўхтатиш сабабларини тушунтирган. Ҳайдовчи Б. Абдукаримов айбини тан олиб, шошиб кетаётганлигини билдирган. Шундан сўнг унга нисбатан маъмурий баённома тузилган. Маъмурий баённомага “тезлик 78” деб ёзиб қўйилган. Шундан сўнг ушбу автомобилда йўловчи сифатида бўлган фуқаро келиб: “Сенлар нега йўлнинг четига яшириниб олгансанлар, ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб берингларинг, мен журналистман, сендақаларнинг нечтасини погонини юлдириб ташлаганман”, деб дўқ уриб туриб олган. ЙПХ инспектори И. Усмонов ҳайдовчига маъмурий баённома тузганлигини, ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб бера олмаслигини айтганидан сўнг улар кетишган. Орадан тахминан 40 дақиқалар ўтгандан сўнг улар яна қайтиб келиб, ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб беришни талаб қилган, агар қайтарилмаса, устларидан арз қилишини билдирган. ЙПХ ходимлари унга маъмурий баённома ҳайдовчи айбини тан олгани учун тузганлиги, ҳайдовчилик гувоҳномасини яшаш жойидан ЙҲХБ маъмурий амалиёт бўлимидан олишини қайта тушунтирган. Шундан сўнг йўловчи Тўра Бек Тўразода: “Барибир устларингдан арз қиламан”, деб кетган.

Мақолада айтилган “Барьер-2М” русумли тезлик ўлчагич асбобидан ички ишлар идораларида умуман фойдаланилмайди. Ҳозирги кунда фақат “Искра-1” ва “Барьер-2U” русумли тезлик ўлчагич асбобидан фойдаланишга рухсат этилган.

2006 йилнинг 3 сентябрь куни ЙПХ инспектори И. Усмоновга “Искра-1В” русумли тезлик ўлчагич асбоби бириктирилган бўлган. Ушбу “Искра-1В” русумли 8312 рақамли тезлик ўлчагич асбоби 2006 йилнинг 18 май куни “Ўзстандарт” агентлиги метрология хизматлари кўрсатиш маркази томонидан текширилиб, Давлат қиёслови ҳақидаги TV-1/8-рақамли гувоҳнома берилган ва фойдаланишга яроқли деб топилган.

Текширув жараёнида инспектор И. Усмонов томонидан фуқаро Б. Абдукаримов содир этган ҳуқуқбузарлик юзасидан расмийлаштирилган UZ-05 серияли 11-872659-сонли маъмурий баённома ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига тўғри ва асосли деб топилди.

Ўз навбатида, ЙПХ инспекторлари И. Усмонов ва А. Исаев хизмат ўташлари лозим бўлган ЙПХ масканига бормасдан, иш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида йўлда тезлик ўлчагич ёрдамида транспорт воситалари ҳаракати устидан назорат олиб боришган. Уларни бундай хатти-ҳаракатлари Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХБ 2-отряд шахсий таркиби орасида муҳокама этилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, раҳбарият томонидан келгусида шахсий таркиб орасида бундай камчиликларга йўл қўймаслик борасида назорат кучайтирилди.

М. АДИЛОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Ҳуқуқ

Бугун мамлакатимизда ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилар экан, бу жараёнда энг биринчи ва асосий эътибор оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратиляпти. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки келажагимиз ворислари бўлган фарзандлар бунёдкори ҳам, уларни камолга етказувчи ҳам - энг аввало оила. Шу боисдан унга жамиятнинг бир бўлаги сифатида қаралади, эъзозланади.

Бироқ ... таассуфки, ҳарчанд жон куйдирмайлик оилаларнинг бузилиб кетиш ҳоллари, ажралишлар юз бериб турибди. Бундан эса нафақат ушбу тақдир эгаларига, балки бутун бир жамиятга зиён етаётгани ташвишлантиради кишини. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси Муқаддас ҒУЛОМОВА мухбиримиз билан суҳбатда ушбу муаммо юзасидан ўз фикрларини баён қилади.

БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ - ҚОНУНИЙ ТАЛАБ

бу жараёнда ота-оналар бевосита иштирок этишга бурчлидирлар

— Муқаддас Зиёдуллаевна, оилавий низолар ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган оилавий ажримларнинг олдини олиш учун қандай самарали воситалардан фойдаланишни маъқуллайсиз?

— Никоҳдан ўтиш икки инсоннинг розилиги, ўзаро келишуви асосида амалга ошадиган жараёндир. Шу боис эр-хотинлик муносабатларини вужудга келтиришда уларнинг хоҳишига қарши иш кўришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўз навбатида эр ва хотин ўзаро келишиб яшаётган оилани ҳам ажратиб юборишга йўл қўйилмайди. Бу фуқароларимизнинг конституцион ҳуқуқлари. Бироқ фарзандлари тарбиясига, жамият ривожига салбий таъсир кўрсатаётган жанжалкаш оилалар тақдирига бефарқ қарашнинг эртанги оқибатлари ҳам барчамизга аён.

Демак, бу ўринда олдимизда турган ягона вазифа тарғибот-ташвиқот, тегишли маслаҳатлар ва бошқа маънавий таъсир чоралари орқали соғлом оилаларни бунёд этиш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш. Бунинг учун жамоатчилик вакилларининг фаолиятини ошириш зарур. Маҳалладаги обрў-эътиборга эга бўлган кайвони, ёши улуғ инсонлардан таркиб топган яраштириш, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини жонлантириш жоиз. Бироқ бу ўринда ҳал қилувчи ролни икки томон, яъни эр ва хотин бажаргани боис, энг аввало, улар қалбида оила муқаддаслиги, оталик ва оналик бурчи, фарзандлар камолотига масъуллик каби туйғулар яхши шаклланган бўлиши лозим. Акс ҳолда, ажрашаётган эр-хотин «бу менинг шахсий ишим, ажрашишимга ҳеч ким қаршилик қила олмайди, оилавий ишимга аралашманглар» қабилидаги сўзлар билан ушбу оила бутунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган инсонларнинг умидини пучга чиқаради. Шу боис, дастлабки саъй-ҳаракатлар ҳали оила қурилмасидан аввал — икки ёшни катта ҳаётга тайёрлаш жараёнида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айни пайтда бу борада бир қатор маҳаллаларда ибратли ишлар йўлга қўйилган. Уларнинг тажрибалари бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштирилаётгани табиий.

— Никоҳни бекор қилиш масаласи кўриб чиқилганда эр-хотиннинг вояга етмаган фарзандлари аксарият ҳолларда суд қарори асосида онанинг қарамоғида қолдирилганлигига гувоҳ бўлганмиз. Хўш, бу ўринда отанинг фарзандига нисбатан ҳуқуқлари нималардан иборат бўлади? Яъни у фарзанди (фарзандлари)ни моддий жиҳатдан таъминлаш ва тарбиялаш билан боғлиқ ишларда қай тарзда иштирок этади?

— Албатта, юртимизда бу масаланинг қонуний асослари яратилган. Чунки фарзандларини умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш, маънавий меросни сақлаш ва ривожлантириш, юксак ватанпарварлик, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий меҳнатга тайёрлаш ота-оналарнинг конституциявий ва маънавий бурчидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ҳам махсус боб ва моддалар мавжуд. Жумладан, мазкур кодекснинг 96-моддасида таъкидланганидек, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Никоҳи бекор қилинган томонларнинг алимент ундириш ҳақидаги аризалари даъво ёки суд буйруғи, иш юритуви тартибида кўрилади. Ота-она фавқулодда ҳоллар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча ҳаражатларда иштирок этиши шарт.

Шунингдек, кодекснинг 66-моддасига кўра, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опасингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг алоҳида яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Айтайлик, эр-хотиннинг турмуши бузилди. Қонуний асосда улар ўртасидаги никоҳ бекор қилинди. Бироқ уларнинг вояга етмаган фарзанди бор. Суд фарзандни онаси ёки отаси қарамоғида яшашини маъқуллаб қарор чиқарди. Аммо шундан сўнг ҳам отанинг ёки онанинг фарзандига нисбатан ҳуқуқи ва унинг олдидаги бурч ва мажбуриятлари сақланиб қолади. Жумладан, Оила кодексининг 76-моддасига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота ёки она фарзанди билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Шундай бўлса-да, баъзи ота-оналар никоҳи бекор бўлгандан сўнг тамомила бир-бири билан ёвларча муносабатда бўлиб, фарзандларини ота ёки онасидан бутунлай узоқлаштиришга, уларни ота (она)си билан кўришишдан мутлақо маҳрум қилишга ҳаракат қиладилар. Оқибатда оталик ёки оналик ҳуқуқи поймол этилиб, томонлардан бири судга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

— Табиийки, фаолиятингизда ана шундай ҳолатларга кўп бора дуч келгансиз. Мисол тариқасида улардан бирининг тафсилотини айтиб берсангиз.

— Ўтган йили ҳудди шундай масала юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судида бир иш кўриб чиқилган эди. Ўшанда фарзанди билан кўришиб туриш ҳуқуқини таъминлаш даъвоси билан фуқаро Ш. судга мурожаат қилган эди. Суд иши материалларида қайд этилишича, даъвогар Ш. фуқаро М. билан расмий никоҳдан ўтади. Шундан сўнг оилада бирин-кетин икки нафар фарзанд дунёга келади. Бироқ тақдирнинг бундай сийловларига қарамай, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар юзага келиб, тез-тез жанжаллар содир бўла бошлайди. Ниҳоят бундай машмашалар суд томонидан уларнинг никоҳи бекор қилиниши билан якун топади. Суд оилада улғаяётган 2 ёшли қизалоқ ва тўрт ойлик гўдакни онаси М. қарамоғида қолдиради. Шундан сўнг қизалоқлар отаси Ш. маълум вақтгача фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаб туради. Бироқ собиқ турмуш ўртоғи кўп ўтмай, отани фарзандлари билан кўришиши, уларнинг тарбияси билан шуғулланишига тўсқинлик қилади. Шундан сўнг кичик қизи ҳали кўкрак сути билан боқилаётганини ҳисобга олиб, отаси катта қизи Дилбархон билан учрашиб туриш вақтини белгилашни сўраб судга мурожаат қилади. Суд ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, даъвогарнинг талабини қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқаради.

Албатта, биз ҳар қандай вазиятда ҳам адолатнинг қарор топиши тарафдоримиз. Ўз навбатида гарчи турмуши бузилган бўлсада, ота-оналарнинг фарзанди (фарзандлари) олдидаги бурч ва мажбуриятларини, ҳуқуқларини таъминлашига қонунларимиз имкон беради ҳамда буни талаб қилади ҳам. Бироқ бу натижа билан бутунлай қаноат ҳосил қилиб бўлмайди. Негаки, ҳақиқий ютуғимиз парчаланиб кетган оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни қонуний тартибга солишдангина эмас, балки ана шу оилаларнинг бир бутунлигини, тотувлигини мустаҳкамлашдан иборатдир, Шундагина нафақат 3-4 нафар инсон, қолаверса, бутун жамият тақдирига дахлдор эзгу иш қилган бўламиз.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди

Муаммо

Баъзи бир кишиларга мазкур савол билан мурожаат қилсангиз, уларнинг кўз олдига ҳаллослаб югуришдан бошқа нарса келмайди. Айримлари эса афтингизга ҳайрат билан қарайди: "Эсини еганми бу?"

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

қишлоқ мактабларида унга эътибор қандай?

Жисмоний тарбия ишлари қишлоқларимизда қай аҳволда эканлиги ҳаммага аён. Ҳаётий мисолга мурожаат қиладиган бўлсак, спорт формасида ёки майкачан бўлиб қишлоқ кўчасида югуриб кўринг-чи! Ҳамқишлоқларингиз кўлини бигиз қилиб кўрсатади-да, "Ҳаллослаб чопгандан кўра кетмон чопгани яхши эмасми!" дейишади. Тасаввур қиляпсизми, олий маълумотли бўлиб шаҳардан қайтиб келган ёш жисмоний тарбия ўқитувчисининг олдига биринчи бўлиб ана шу муаммо кўндаланг бўлади.

Ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши биринчи навбатда унга — ўқитувчига боғлиқ. Шундай экан, мактабларда жисмоний тарбия дарслари қандай олиб борилмоқда? Бирорта ўқувчи билан суҳбатлашиб, фикрини билишга қизиқсангиз, антиқа жавоб оласиз: "Физкультураям дарсми?"

"Зумраша"нинг гапи сизни ранжитмасин. Ўқувчиларга коптокни бериб қўйиб, ўзи бир четда сигаретни бурқситиб ўтирадиган муаллимга муносиб баҳо шу-да! Ана шу ўқувчилар ҳарбий хизматга чақирилиб, хизматни қурилиш қисмларида ўтар эканлар, уларнинг ўксик таъналари яна жисмоний тарбия ва бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчилари шаънига айтилади.

Келинг, бояқиш ўқитувчини ҳам тушунишга ҳаракат қилайлик. Ахир "Қишлоқ жойларда спорт ишларини жонлантирайлик!" дея наъра тортсак-у, амалда ақалли қишлоқ болалари учун чўмилиш ҳавзаси ҳам қуриб беролмасак: спорт заллари марказдаги мактаблардагина бўлса, иложи қанча!

Кейинги икки-уч йилдан буён синфларда жисмоний тарбия дарсдан имтиҳон қўйилмоқда, бу жуда яхши. Аммо мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаб, дарслари аниқ дастур, режа бўйича ўтилгандан кейин имтиҳон олинса кони фойда бўлар эди.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

МАҲОРАТ МАРКАЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Курсларда информацион ва таҳлилий материаллар тайёрлаш хусусиятлари, журналистика тарихи, ОАВ жанрлари, ахборот излаш, йиғиш ва тарқатишнинг ҳуқуқий, этик тамойиллари, матбуот социологияси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, бозор иқтисоди шароитида матбуот фаолиятини ташкил этиш асослари, таҳририят ишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш каби йўналишларда назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилади.

1 ноябрдан 1 июнга қадар давом этадиган курслар якунида иштирокчиларга махсус сертификат берилади.

Келгусида маҳорат маркази матбуот нашрлари раҳбарлари, менежер ва техник ходимлар учун ҳам малака ошириш курслари ташкил этишни режалаштирмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

Якун

Ниҳоят, 10 кун давом этган Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган мини футбол бўйича ижодкорлар турнири ҳам якунланди.

«МТРК» — ТУРНИР ҒОЛИБИ



Финал учрашуви жанговар руҳда ўтди. Турнир мезбони "Ўзбекистон футболи" газетаси ҳамда Миллий телерадиокомпаниянинг "МТРК" жамоалари ўртасидаги баҳсда дастлаб тарози палласи мезбонлар томонига оғаётгандай эди: газетачилар таркибидаги Аҳмаджон Эшматовнинг йўқ жойдан "МТРК" дарвозасини ишғол қилиши бир қанча муддат рақиб жамоа мухлисларини хавотирга солиб қўйди. Аммо майдондаги ҳаракатлари билан профессионал футболчилардан кам бўлмаган "МТРК" ҳужумчиси Ҳамза Каримов дарвозабон Ойбек Юнусовнинг икки қўпол хатосини ҳам кечирмади ва ҳисобнинг 2:1 бўлишини таъминлади.

Финал ҳуштаги чалинишига саноқли дақиқалар қолганда, яна ўша Аҳмаджон Эшматов майдон марказидан "МТРК" дарвозасини ишғол қилди. Асосий вақтда ҳисоб дуранг бўлгач, ғолиб омад лотареяси — пенальтилар сериясида аниқланди: 11 мертлик масофадан тепиш баҳсида телевидение ходимлари 3:2 ҳисобида ғалабага эришишди. Шу тариқа 2-бора ўтказилаётган мусобақада Миллий телерадиокомпания жамоаси яна ғолибликни қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, турнирнинг ярим финал учрашувларида "Ўзбекистон футболи", "МТРК", "Маърифат" ва "Наврўз" радиоси жамоалари қатнашишди. Учинчи ўрин учун ўтган баҳсда "Наврўз" радиоканали жамоаси ғалага эришиб, турнирнинг бронза медали билан тақдирланди.

Мусобақадан сўнг иштирокчилар учун ёзилган байрам дастурхони атрофида ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда умумжамоаларга берилган медаллардан ташқари турли номинациялар бўйича шижоат кўрсатган футболчи-журналистлар ҳам тақдирландилар.

Ташкилотчилар томонидан келгусида мусобақани нафақат маҳаллий, халқаро миқёсда ҳам ўтказиш режаси борлиги таъкидланди.

Воҳид ҒАНИЕВ

Жараён

Ҳозир қайси газета ёки журнал вакили билан учрашманг, салом-аликдан кейин гап дарров обунага бориб тақалади. Қалам аҳли октябрь, ноябрь, декабрни "хирмон" ёки "ғалвир сувдан кўтариладиган пайт" деб ҳам атайди. Айни шу паллада жойларда учрашувлар ташкил қилинади, хат ва даъватномалар тарқатилади, реклама ва эълонларга урғу берилади.

Айни пайтда обуна бозорида кескин рақобат муҳити ва шароити юзага келган деб айтиш мумкин. Доимий обуна қилувчи ташкилотлардан ташқари бевосита обуна билан шуғулланадиган хусусий фирмалар, хусусий ташувчилар ва етказиб берувчилар, газета ва журналларнинг жойларда обуна билан шуғулланадиган вакиллари, ҳатто обуна қиладиган алоҳида кишилар ҳам пайдо бўлмоқда. Ва улар томонларга ўзларининг турли хил таклифларини билдирмоқда.

Мухбиримиз бугунги кунда ҳам энг йирик ҳисобланадиган, ҳам обуна қиладиган, ҳам уни истеъмолчиларга етказиб берадиган иккита ташкилот — "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси вакилларининг 2007 йил обунаси ҳақидаги режалари, тадбир ва таклифлари билан қизиқди.

ОБУНА

бу йил қандай ташкил қилиняпти?

Бахтияр КУБЕЕВ, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ижрочи директори:

— Жорий йилда 160 га яқин газета, 130 дан зиёд журнал, 100 га яқин китоб ва чет эл нашрларининг обунасини ташкил этишни режалаштирганмиз.

2007 йилнинг обуна каталоги компаниямизга қарашли барча газета дўконлари, вилоятларда шўъба корхона ва МЧЖларга етказиб берилган. Одатда ноябрь ойи ва декабрнинг боши обуна учун ҳал қилувчи муддат дейилади. Жорий йилнинг 1 ноябригача обуна ҳажми ўтган йилга нисбатан 14 фоизга ошган.

Обуна мавсумини янада жонлантириш учун бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бир қанча марказий газета ва радиоканалларда эълонлар берилди. Яқин кунлар ичида ТВда ҳам махсус ролик эфирга чиқади. Қолаверса, газета ва журналларнинг ўзи ҳам қўл қовуштириб тургани йўқ: ўзларида ва бошқа нашрларда обунага тарғибот-ташвиқот қиладиган турли хил эълон ва материаллар бериб боришяпти.

30 га яқин ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги газета ва журналлар жамият ҳаётидаги аҳамиятини ҳисобга олиб айрим имтиёзлар белгилаганмиз.

Компанияга қарашли 1500 та газета дўкони бор. Шундан 250 дан ортиғи Тошкентда жойлашган. Унинг 150 таси, яъни 60 фоизини тадбиркорларга берганмиз. Бу эса газета таннархининг анчагина камайишига сабаб бўляпти. Газета дўконлари воситасида обуна қилиниши ҳам тезкорликни таъминлаяпти, ҳам обуна сонининг кўпайишига ёрдам беряпти. Қолаверса, обуначи учун бирмунча қулай ҳам. Газета дўкони ёнидаги идора ундан газета ёки журналини хоҳлаган пайтида олиши мумкин.

Бу йилги обуна айтиш жоизки, эркин тарзда олиб бориляпти. Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятида шўъба корхоналаримиз, қолган вилоятларда эса улуш асосида бошқариладиган масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) асосий обуна таянчларимиз саналади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиш жоизки, обуна айниқса сўнгги йилларда кескин рақобат муҳити ва шароитида ташкил қилинмоқда. Қандай давр ва шароитда бўлмасин, истеъмолчи талаби энг асосий омил бўлиб қолаверади. Истеъмолчига газета ва журнал энг аввало арзон, тез ва сифатли етиб бориши керак. Ана шунга эътибор қаратган ва ишни ана шу асосда ташкил қилган ижрочи ҳеч қачон ютқазмайди. Обуна мавсумини ҳар галгидай самарали якунлаш учун бир қатор қўшимча чора-тадбирлар белгилаганмиз.

2007 йил вақтли нашрларга обуна ўтказишда ўрнак кўрсатган матбуот тарқатувчилар, фаол фуқаролар, тадбиркорлар рағбатлантирилади. Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган маблағининг уч фоизигача мукофот тўланади. Обунани расмийлаштириб нашрларни муштарийга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркорларга, меҳнат ва ўқув жамоаси ҳамда маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

Хотира ТАДЖИБОЕВА, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори ўринбосари:



— Республикадаги даврий нашрларга 2007 йил учун обуна мавсуми ўзининг энг муҳим ва қизғин палласига кириб бормоқда. Бу муҳим сиёсий тадбирни амалга ошириш учун 14 почта алоқа корхонаси, 189 шаҳар ва туман алоқа боғламалари, 2991 почта алоқа бўлимлари обуначилар учун ўз эшикларини кенг очганлар. Бундан ташқари, йирик корхоналар, ўқув юртларида мавсумий обуна пунктлари ташкил қилинган, кўп минг сонли хат ташувчиларимиз ҳам ушбу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, почтадан ташқари бир қанча корхона ва фирмалар ҳам обунани ташкил қилиш билан шуғулланишмоқда. Улар асосан иқтисодий манфаатни кўзлаганлари, тармоғининг заифлиги туфайли фақат йирик шаҳарлар ва аҳоли зич яшайдиган жойлардагина хизмат кўрсатишмоқда. Чекка жойлар, қишлоқлар, мактаблар, кўплаб маҳалла ва хонадонларга хизмат кўрсатиш, табиийки, почта ходимлари зиммасидадир. Баъзи фирмалар асосан хорижий давлат нашрларини тарқатиш ҳисобига катта даромад олаётганлари ҳам бор гап.

Матбуот тарқатишнинг ижтимоий, сиёсий ва маърифий аҳамиятини ҳисобга олиб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ таркибидаги филиалларда матбуот тарқатиш ишларини яхшилаш стратегик дастури ишлаб чиқилди ва у амалиётга татбиқ этилмоқда. Дастур матбуот тарқатиш ишини тубдан яхшилаш, халқимизнинг матбуот нашрларига бўлган талабини тўла қондиришга қаратилган. Дастурнинг асосий йўналишларидан бири, матбуот тарқатишни оммабоп қилиш, яъни ҳар бир ўқувчи ҳеч бир муаммосиз обуна бўлибми, чакана савдодан олибми, севган нашрини ўқишга ҳамма имкониятни яратишимиз керак. Бунинг учун корхоналарнинг ривожланган тармоғидан самарали фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир ўқувчи, ҳатто, ўз уйидан туриб, почтальон орқали телефон ёрдамида интернет тизими орқали нашрга обуна бўлиш имконияти яратилади.

2007 йил обунаси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ катологи бўйича ҳар бир филиал алоҳида ҳудудий молиявий корхоналарда декларация бўлган тарифларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Даврий нашрларни вилоят ичида етказиб бериш тарифлари ҳақиқий келиб чиққан харажатлар асосида ҳисобланган. Даврий нашрларни элтиб бериш тарифи икки усулда, яъни абонент қутиси ва манзилга етказиш билан амалга оширилади. Ижтимоий аҳамиятига эга бўлган нашрлар тарифи марказлашган ҳолда жўнатиш 5 фоизга, элтиб бериш эса 14 фоизга камайтирилди.

Бундан ташқари, қатор филиаллар — Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига олиб бориш тарифини камайтириш ҳисобидан (даромад қисмини камайтириб) обуна нархлари ўртача 20 фоизга камайтирилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳар ўн кунда обуна ҳақида тезкор маълумотларни телефонда қабул қилади. 2006 йил 1 ноябрь ҳолати 2006 йил 1 январга нисбатан олинган маълумотга кўра обуна кўрсаткичлари 15 фоизни ташкил қилди. Катта корхоналар, ўқув юртлари, мактаблар ва маҳалларда обуна қабул қилиш пунктлари иш олиб боради. Бунда биз жамоатчилик ёрдамига таяниб иш кўрамиз.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ 2007 йил даврий нашрларига обуна ўтказишда ўрнак кўрсатган матбуот тарқатувчилар, фаол фуқаролар, тадбиркорларни рағбатлантиради. Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган маблағнинг уч фоизигача мукофот тўланади. Ташкилот ва корхоналарда обунани расмийлаштирган тадбиркорларга, маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бундан кейин ҳам матбуот тарқатиш ишини яхшилаш бўйича, даврий нашрларни муштарийлар қўлига қисқа муддатларда етказиб бериш учун барча зарур чораларни кўради.

Сарҳисоб

Хабарингиз бор, БМТ Хавфсизлик Кенгаши янги Бош котиб номзодини тасдиқлади. Кутилгандек, ушбу юқори лавозимга Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Пан Ги Мун тасдиқланди. 2007 йилнинг 1 январида Пан Ги Мун ўз вазифасини бажаришга киришиши билан ташкилот тарихидаги ўн йиллик Кофи Аннан раҳбарлигига якун ясалади.

АННАН ЎН ЙИЛЛИГИ

БМТнинг еттинчи Бош котиби фаолияти якунланмоқда



Кофи Аннан 1939 йилнинг 8 апрелида Буюк Британия колонияси бўлган Гана давлатининг Кумаси шаҳрида дунёга келди. Аннаннинг отаси мамлакатдаги вилоятлардан бирининг губернатори (ҳокими) эди ва бу омил унинг келгуси фаолият йўналишини белгилашда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Аннан дастлаб она шаҳри Кумасидаги техника университетида ўқиди. Дорилфунун таҳсилидан кейин АҚШга йўл олди. Омад излаб келган йигит океан орти давлатида миллионлаб одамлардан иборат ҳаёт оқимида йўқ бўлиб кетмаслик учун жиддий курашга киришди.

Бўлажак Бош котиб Америкадаги етакчи олийгоҳлардан бири Массачусетс техника институти магистратура босқичини тамомлади. Бу орада у Женевада жойлашган халқаро муаммоларни ўрганиш олий институтида ҳам таҳсил олди.

1962 йили 24 баҳорни қаршилаган Кофи Аннан илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти остонасига қадам қўйди. Дунёнинг манаман деган давлат ва сиёсатчилари ҳам ҳисоблашадиган бу номдор идора биринчи кунданоқ африкалик йигитни ўзига ром қилди ва у мана салкам ярим асрдирки, мазкур ташкилотда фаолият юритиб келмоқда. Дастлаб БМТнинг бюджет масалалари бошқармасида иш бошлаган Аннан тез орада Бош котибнинг махсус вазифалар бўйича ёрдамчиси вазифасига тайинланди.

1990 йил дунё миқёсида нотинч келди. Ироқ томонидан қўшни Кувайт давлатига бостириб кирилгани БМТ олдига зиддиятни бартараф этиш борасида жиддий вазифалар қўйди. Ана шу мураккаб ҳолатда ўша пайтдаги Бош котиб Бутрос Ғолийнинг ишончли вакили сифатида Кофи Аннан Ироққа келди ва Саддам Ҳусайн ҳукумати билан можарони бартараф этиш бўйича музокара олиб борди.

1995-96 йилларда Босния ва Герцеговинада бўлиб ўтган фуқаролар урушининг совуқ нафаси ҳали ҳам ушбу мамлакат фуқаролари димоғидан кетмагани аниқ. Бу пайтга келиб Бош котибнинг ўринбосари лавозимига сайланган Аннан собиқ Югославия давлатида тинчлик ўрнатишга бош-қош бўлди.

Умуман, Кофи Аннан сиёсий фаолиятини кузатганда, бу каби залворли амалиётларни кўплаб учратиш мумкин. Шу сабаб ҳам, 1997 йили Бош котиб Бутрос Ғолий ваколат муддати тугаб, истеъфога чиққан пайтда кўпчилик давлат ва ҳукумат раҳбарларининг бир овоздан маъқуллаши билан Кофи Аннан БМТ раҳбарлигига сайланди. У халқаро ташкилот етакчисига билдирилган ишонч ифодаси эди.

Очиғи, 2001 йили Кофи Аннанга тинчлик йўлидаги Нобель мукофоти топширилганда кўпчилик ҳайрон ҳам бўлмади. Чунки Аннан бу пайтга қадар БМТ раҳбари сифатида жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ва бошқа глобал муаммоларни бартараф этиш борасида катта ишларни қилиб улгурган эди.

Дарвоқе, Кофи Аннанни айрим кузатувчилар БМТ халқаро нуфузи ва таъсир доирасини кескин туширib юборишда ҳам айблашади. Бу айбловлар бежиз эмас. 1999 йили АҚШ ва НАТО ҳарбий кучлари БМТ рухсатисиз Югославия ҳудудида ҳарбий амалиётларни олиб борди. 2003 йили ана шу ҳолат Ироқдаги уруш мисолида яна такрорланди. Нуфузли халқаро ташкилот резолюциясисиз АҚШ Саддам Ҳусайн тузумини ағдариш шиори билан ҳозирга қадар давом этаётган ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Аннан етакчилигида БМТ бунга қарши ҳеч қандай чора кўролмади...

2006 йилнинг 31 декабрида Кофи Аннаннинг Бош котиблик ваколати якунланади. Сиёсий фаолияти тугагач, БМТ раҳбари оиласи билан ўз ватанига — Гана қишлоқларидан биридаги фермасига қайтмоқчи. Лекин бу билан халқаро ташкилот етакчиси сиёсатни буткул тарк этмоқчи эмас. Жаноб Аннан истеъфодан сўнг Африканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш ниятида.

Хуллас, Бош котиблик курсисини тарк этиш ҳам 67 ёшли дипломатни дунё ташвишларидан узоқлаштирмайдиган кўринади.

Абдул СОБИР

Нигоҳ

15 ЙИЛДАН КЕЙИН МДҲГА НИМА БЎЛАДИ?

Жорий йилнинг 15 декабрида МДҲ ташкил этилганига роппа-роса 15 йил тўлади. Бугун унинг истиқболи кўпчиликни қизиқтириши тайин. Бу саволга жавоб беришдан олдин, назаримизда, муҳимликда ундан-да қолишмайдиган яна бир саволга жавоб бериш тўғрироқ бўлур эди:

ўтган 15 йил ичида МДҲ давлатларида нима ўзгарди?

Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг Ғарб давлатлари учун янги ташкил этилган мустақил давлатларни, ҳалича Россия ҳарбий соҳада қудратини йўқотмаган, иқтисодиётда эса қўшниларидан қолишмайдиган даражада таназзулни бошидан кечираётган 90-йиллар бошида ўз таъсири остига олиши унчалик қийин эмас эди. Бироқ бу пайтда улар негадир шошилмасликни афзал билди. Манфаатлари доирасига тортишга ҳаракатлар бўлса-да, баъзи янги мустақил давлатларнинг Ғарбга мойиллиги ҳам айтарли қўллаб-қувватланмади. Турли "шериклик лойиҳалари"да иштирок этишдан бошқа нарса таклиф этилмади. Бу коммунизм устидан қозонилган ғалабадан сармастлик, Френсис Фукуяма таъбири билан айтганда, тарих интиҳоси эди.

Мисол тариқасида Марказий Осиё давлатларини олайлик. Барча негадир уларнинг тараққиётга эришиши учун Ғарбга эргашишдан ўзга йўли йўқ деб ҳисоблар эди. Бу давлатларнинг тамомила ривожланишнинг дунёвий йўлини танлагани мазкур қарашларнинг бир томондан тўғри эканини кўрсатиб турса-да, Ғарб Тожикистондаги фуқаролар уруши бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлигига путур етказиши мумкинлигидан хавфсирар эди.

Геосиёсий ўзгаришлар аввалида ёхуд янги Катта ўйиннинг бошланишида танбал кимсагина дунёнинг сиёсий харитасига ўзгартириш киритишга ҳаракат қилмаган эди. Ғарб эса собиқ совет республикалари парчаланишида ҳатто Югославия вариантини ҳам истисно қилмагани сир эмас. 90-йиллар бошида наинки сиёсатчилар, Ғарбнинг махсус хизматлари ҳам минтақанинг 4-5 йил ичида "олов домида қолиши"ни башорат қилган эди. Шу боисдан барча минтақа давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишдан чекланиш билан бирга, мазкур давлатлар иқтисодиётига сармоя киритишни пайсалга солиб келди. Иқтисодий ҳамкорлик ўрнига минтақа халқлари фикрини Ғарб қадриятлари руҳида шакллантириш йўли танланди ва бунинг учун турли ННТ ва хайрия ташкилотларидан самарали фойдаланилди.

Очиғи, бошида ҳеч ким мусича каби беозор кўринган ННТларини жиддий қабул қилгани ҳам йўқ. Бу каби воситалар рангли инқилобларда Ғарб сиёсатининг асл мақсади нима эканини ошкор қилиб қўйганидан кейингина, уларнинг кўпчилик ўйлаганчалик беозор эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Собиқ президент Б.Клинтоннинг АҚШ бутун дунёда демократия ўрнатиш йўлида курашиш орқали мамлакатнинг келажаги учун сармоя ётқизади, деган сўзларини стратегиядан унча-мунча хабари бор киши ҳам англаб олиши қийин эди. Аммо тажриба бу йўлнинг узоқни кўзламай танланганини кўрсатяпти. МДҲ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўймасдан туриб мустаҳкам алоқа ўрнатиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Айни маънода, кўплар иқтисодий ҳамкорликсиз энг олий мақсадларнинг-да қуруқ сўз эканини англаб етди. Қайсидир сиёсий тузумни жамоат ташкилотларининг пули билан боқиб туриш ҳам янгидан-янги тўнтаришларга олиб келиши мумкин, негаки аҳолининг аксар қисми иқтисодий таъминотини яхшилай олмайди. Бунга ёрқин мисол этиб Қирғизистондаги воқеларни келтириш мумкин.

Албатта, собиқ Иттифоқ республикалари ёки МДҲ давлатларининг Ғарб билан муносабатларини ННТ даражасига тушириб қўйиш кулгили бўлур эди. Ғарб давлатлари геосиёсий муносабатларда ҳам фаол сиёсат олиб боряпти. МДҲга муқобил ГУАМ ёки Янги демократик давлатлар ҳамжамияти каби минтақавий ташкилотлар тузишга уринишлар биринчи йил давом этаётгани йўқ. Бу ҳаракатлар, асосан, МДҲ ва шу каби минтақавий тузилмалар позицияларини кучсизлантириш ва уларга рақобатдош уюшмалар, бошқа тизимларни яратишга қаратилгандир. Зикр этилган минтақавий тузилмаларнинг асосини Россия ташкил этади.

Ғарб ҳам, манфаатлари Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида кесишадиган Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Эрон каби бошқа иштирокчиларнинг МДҲ доирасида яна бирлашишига индамай қараб туриши эҳтимолдан мутлақо узоқ нарса. Бундан ташқари, 15 йил мобайнида собиқ совет республикаларидаги сиёсий элита, яхшими, ёмонми, ҳарқалай, мамлакатлари манфаатларини фақат иқтисодий ҳамкорлик орқалигина таъминлаш мумкинлигини англаб етди. Шу боис ҳам МДҲ давлатлари орасидаги иқтисодий яқинлашув ва ҳамкорлик силлиққина кечишидан умид қилиш унчалик тўғри эмас. Назаримизда, улар баъзи ҳолларда анчайин оғир содир бўлиши мумкин, зотан уларнинг табиий равишда амалга ошиши учун четдан ҳеч ким, аниқроғи, чет давлатларнинг буйруқлари ёки аралашувлари эмас, балки томонларнинг ўзаро манфаатларини эътиборга олиши, баъзан эса қайсидир томоннинг ён бериши ҳам катта роль ўйнайди.

Виждонан айтганда, бугун сиёсий клуб деб аталаётган МДҲга аъзо давлатларнинг манфаатлари бир-бирига зид бўлиши билан бирга, баъзи томонлари мутлақо қарама-қарши десак тўғри бўлар ва шу боис ҳам уларнинг талабига тўла жавоб бермайди. Балки шунинг учун ҳам мазкур ҳудуд доирасида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ЕврОсиё иқтисодий ҳамжамияти, Ягона божхона иттифоқи ва бошқа тизимларни ташкил этишга эҳтиёж сезилгандир. Аммо бу — Ҳамдўстлик тарқалиб, аъзолари мазкур тизимларга бўлиниб кетади, дегани эмас.

Кўплар МДҲда содир бўлаётган тузилмавий ўзгаришларда маданий ажралиш жараёнини кузатяпти. Шу мантиқ билан фикр қилинса, у чиндан кераксиздай туюлади. Аммо Ҳамдўстликнинг 12 аъзоси ўртасида сиёсий мулоқот заруриятини кун тартибига қўядиган ҳолатлар ҳам кам эмас. Масалан, биринчидан, "музлатиб қўйилган зиддиятлар" (Тоғли Қорабоғ, Жанубий Осетия, Днестрбўйи республикаси, Абхазия) муаммоси; иккинчидан, МДҲ давлатларида ишлаб чиқарилаётган товар-маҳсулотларнинг ташқи бозорда рақобатбардош эмаслиги; учинчидан, халқаро терроризм, наркотраффик, ноқонуний миграция ва ҳ.к.; тўртинчидан, чегаралардаги делимитация ва демаркация муаммолари; бешинчидан, сув, энергетика каби иқтисодий муаммолар ва ҳ. к.

Россия ва Грузия ўртасида юзага келган охирги зиддият мавжуд тизимлар доирасида муаммоларни муҳокама қилиш истаги йўқлигини намойиш этди, баъзи давлатларнинг содир бўлаётган воқеалар соясида асрлар бўйи ўрнатилга муносабатларни бирданига четга суриб ташлаб, янги иттифоқчилар қучоғига ташлашга интилиши, нафақат ўзаро можарога, балки ҳамжамиятга аъзо бир неча давлат ўртасидаги каттароқ микёсдаги ҳарбий тўқнашувга ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Худди шу маънода воқеаларнинг Югославия сценарийси бўйича ривожланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай қилиб,

15 йилдан кейин МДҲга нима бўлади?

Кўплаб экспертлар ҳамжамият ўз ўрнини майдароқ минтақавий тузилмаларга бўшатиб беради, деган қарашга мойил. Уларнинг қарашига қўшилмасликнинг иложи йўқдай. Чунки ўша тузилмалар уларга аъзо давлатларнинг манфаатларига МДҲдан кўра кўпроқ мос келади. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бош котиби Николай Бордюжанинг сўзларига кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик борасидаги манфаатлари бир-бирига тўла мос келади. ЕврОсиё иқтисодий ҳамжамияти ҳақида эса бундай дейиш мушкул. Албатта, мазкур иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида имзоланган шартномалар бажарилаётган бўлса-да, уларнинг сони бир қадар кам ва шу ҳолатнинг ўзиёқ аъзо давлатлар иқтисодий манфаатларининг ҳар доим ҳам ўзаро мос тушавермаслигини кўрсатади. Бу нарса қачонлардир бениҳоя қудратга эга бўлган йирик давлат харобаларидаги ўзаро яқинлашув жараёнларини мушкуллаштирмоқда.

Назаримизда, ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам МДҲнинг фаолияти интиҳога етди дейишга шошилмаган маъқул. Аслида гап нимада эканини аниқлаб олиш зарур. Кейин мазкур ташкилотдан барча дардларнинг давоси сифатида илинж кутиш тўғримикан? Баъзида ҳатто сиёсатчиларнинг ўзи ҳам бу ҳолатдан ранжиганини яширмайди. Очиғи, буни тушунса бўлади. Аксарият ҳолларда ички деб ҳисобланган қатор масалаларни қўшни давлатлар билан ҳамкорликдагина ҳал этиш мумкин ва шу жиҳатдан МДҲ каби минтақавий ҳамкорлик ташкилотларининг зарурлиги исботини топмаяптими? Ҳамдўстлик КХШТ, ЕврОсиёИҲ ёки ГУАМга нисбатан собиқ Иттифоқ ҳудудларида йирик масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилган. Айтилган ташкилотлар аниқ масалаларни ҳал этишга эътибор қаратса, гарчи ҳар бир давлатнинг манфаати кичикроқ тизимга боғлиқ бўлса-да, МДҲ давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотга хизмат қилади.

Сиёсий мулоқотларнинг зарурлигини Украина ёки Грузия раҳбарлари ҳам эътироф этади. МДҲ ижрочи котиби В. Рушайлога ана шу давлатларнинг МДҲдан чиқиши режалари хусусида савол берилганда, у ташкилотдан чиқишнинг белгиланган меъёрлари мавжудлигини, ҳозирча у ёки бу давлатнинг аризаси ёхуд талабномасини кўрмаганини таъкидлаган эди. Бундан ташқари, рангли инқилобларнинг сўнгги вагонига чиқиб олишга улгурганлар бугунга келиб тез-тез ортга қараб кўяётганини ҳам инкор этиб бўлмайди, зотан уларнинг сиёсий қарорлари иқтисодий манфаатларига жавоб бермаётгани равшан бўлиб қолмоқда.

Албатта, ҳаёт ривожланишда давом этаверади. Узгаришлар шу қадар шиддат билан содир бўляптики, энг тажрибали экспертлар ҳам воқеалар ривожини башорат қилиши, айниқса, 15 йил кейинга назар солиши ўта мушкул. Бироқ собиқ Иттифоқ даври глобаллашув жараёни ва ривожланишнинг шиддатини исбот қилиб қўйиш билан бирга, можаролар ва кутилмаган воқеаларнинг олдини олиш учун сиёсий мулоқотлар заруратини кўрсатди.

Баъзи таҳлилчилар МДҲнинг собиқ иттифоқдош республикалар иштирокидаги Евроиттифоққа ўхшаш ривожланган уюшмага бирлашишини ҳам башорат қиладилар. Тан олиш керак, яқин келажакда башоратнинг амалга ошиши даргумон, мабодо, шундай бўлиб қолса, бу ҳол Ғарб тузилмаларига қўшилишга интилаётган давлатларнинг ташкилотдан чиқиш суръатини тезлаштиради, холос. Шунинг учун ҳам воқеалардан илгарилаб кетиш ва Европа Иттифоқи интеграциясини энг сўнгги имконият сифатида тиқиштириш яхшиликка олиб келмайди. Айнан зўрлик билан қилинган қўпол харакатлар яқинлашиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳар қандай интеграция жараёни дастлаб мулоқотни талаб қилиши барчага аён ҳақиқат. Айни дамда ва яқин келажакда МДҲгина ана шу восита ролини бажариши мумкин. Шакл хусусида гапирадиган бўлсак, бундай мулоқот ҳамдўстлик ёки сиёсий клуб тусини олиши мумкин. Бу билан унинг заруратига путур етмайди.

Анвар НАСИМОВ,
сиёсий шарҳловчи
Манба: www.gzt.uz

«НТДА ФИДОЙИЛАР ИШЛАЙДИ»

(саволсиз интервью)

Гулчеҳра Ҳамидова — олий маълумотли, тўрт фарзанд онаси, саккиз набира бувиси. Шайхонтоҳур тумани Шофайз маҳалласида жойлашган "Моҳларойим" аёллар ва ўсмир-ёшлар ўқув амалиёт маркази раҳбари. Бугун газетамиз орқали у кишининг иш тажрибалари билан танишасиз:

— Бу саволни сиздан олдин бошқалар ҳам берган. Фақат сал жўнроқ қилиб: "Сизга нима зарур?" "Сизга нима фойда, шу ўқув марказини очиб?" "Устига устак бепул ўқитар экансиз!" каби. Эътибор берган бўлсангиз, хусусий ўқув марказлари ҳам бор. Лекин бизнинг улардан фарқимиз нимада? Айтинг-чи?

— ...

— Уларнинг энг асосий мақсади — пул топиш. Бундан бошқа мақсадлари йўқ демоқчи эмасман. Аммо барибир олдинги галда молиявий манфаат туради-да!

— Бизми? Биз... Тўғри, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам турли мақсадларда тузилади: шунчаки грант олиш учун, чет элга бориб келиш учун... Лекин менинг "Моҳларойим"ни ташкил этишдан мақсадим мутлақо бўлакча.

— Одам битта ўзи бахтли бўла олмайди. Унинг шахс бўлиб шаклланишида ҳам жамиятнинг роли катта. Агар ён қўшнингизникида озгина жанжал бўлса, унинг салбий таъсири сизга ҳам тегиши табиий. Ҳеч бўлмаса, руҳий таъсири борлигини тан оласизми? Ҳа, баракалла! Шундай экан, яхшиларнинг ичида битта ёмон бўлиб яшай оласизми? Йўқ. Тескариси ҳам мумкин эмас. Демак, бир-биримиздан меҳримизни, қўлдан келса ёрдамимизни аямай яшамас эканмиз, биз кутган, сиз айтган "бахтли дамлар"га қачон етамиз?! Худди шундай: "Ҳамма ўзи учун яшайвермайди. Одамлар учун, бошқалар учун ҳам кимдир яшаши керак-ку!" деб ўйлайдиганлар нодавлат нотижорат ташкилотларида ишлайди. Аслида марказимизнинг номини "Моҳларойим" деб қўйишимиздан ҳам асосий мақсад шу. Биласиз, бу ном шоира Нодиранинг тахаллусларидан бири. У аёл бўлишига қарамай жамият ҳаётида беқиёс ўринга эга эди. Атрофига маслакдошларини йиға олган, бу дунёга келиб фақат севикли ёр, севимли она бўлиш билангина чекланмай, ижтимоий ҳаётда ҳам аёлнинг роли бўлиши кераклигини исботлай олган эди. Ҳар даврга моҳралойимлар керак-да! Шунинг учун ҳам ўқув марказимиз асосан аёлларимизга мўлжалланган, қайсидир маънода моҳларойимларни тарбиялашни мақсад қилган.

Излаган имкон топади, дейишади. Яхши мақол. Лекин қобилият бўла туриб имкони йўқлар қанча орамизда. Бу дунёда ҳамма истеъдодли, ҳамма қобилиятли. Бироқ тақдир кимларгадир ўзини намоён қилишга имкон берадан кўтаргандай ҳамма нарса аён бўлиб қолди. Шулардан келиб чиқиб марказнинг мақсад ва вазифаларини, режаларини тузиб олдик. Ҳозир 14 та йўналишда опа-сингилларимиз учун ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Фақат шулар билан чекланиб қолганимиз йўқ. "Одам билмагани учун ёмондир", дейди алломаларимиз. Демак, яхшиларни кўпайтириш учун биладиганларни кўпайтириш, яъни дунёқарашни кенгайтириш лозим экан-да. "Қизлар клуби"миз ҳам иш бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, аъзолари талайгина. Клуб фаолияти ранг-баранг. Турли соҳа вакиллари — масалан, ҳуқуқшунослар, психологлар, шоиралар... билан учрашувлар ўтказиб турилади. Ҳаммаси қизларнинг қизиқишидан келиб чиқади.

— Иқтисодсиз ҳеч нарса бўлмайди, дейсиз-да! Тўппа-тўғри. Бир неча йилдан бери маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисиман. Оилавий келишмовчиликларнинг кўпи мана шундан келиб чиқади-да! Эр бирни икки қиламан деб бетиним ишлайди. Хотин уқувсиз бўлсаям қийин. Мени аёлларнинг ишлашига қарши экан деб ўйламанг. Ота ҳам, она ҳам ишда бўлса, фарзандларига ким қарайди? Ахир бу ерда миллат тақдири турибди-ку! Демак, аёлларимиз учун уйига яқинроқ жойдан ёки уйда ўтириб қиладиган иш керак. Майли, олий маълумотли бўлсин, лекин қўлида ҳунари бўлса яна яхши. Ҳеч бўлмаса, ўзининг кўйлагини ўзи тикиб кийса. Ахир, шу ҳам фалон пул туради. Шунинг учун ҳам бу турдаги ўқув-амалиёт машғулотларига кўпроқ эътибор қаратамиз. Тикув цехимизнинг очилиши ҳам бир нечта қўлида ҳунари бор шу пайтгача ишсиз юрган аёлларимизни иш билан таъминлашга хизмат қилди.

— Тўрт-беш йил олдин менга шу саволни беришганида, энг катта мақсадим аёллар учун ўқув маркази очиш деган эдим. Марказимиз 2004 йилдан расман иш бошлади. Ўтган йиллар давомида Япония элчихонаси ва Туркиянинг TIKA ташкилоти грантларига сазовор бўлдик.

Кун ўтган сайин мақсадлар ҳам янгиланиб бораверар экан-да! Бугун "Моҳларойим" ўқув марказининг фаолиятини янада кенгайтириш иштиёқи билан юрибман. Бундан бошқа бир неча режаларим ҳам бор. Ҳозирча сир бўла қолсин...

Ф. ЖАББОРОВ
ёзиб олди

Аввало, бу марказнинг ташкил этилиши тарихи, бу хайрли тадбирга бош-қош бўлганлар ва, муҳими, молиявий қўллаб-қувватлаганлар хусусида икки оғиз гапириб ўтмаслик инсофдан эмас. Ойбек Исоқов Ўзбекистон ногиронлар жамиятини анчадан буён бошқариб келяпти. Тиниб-тинчимайдиган, ғайратли йигит. Қачон у билан учрашмоқчи бўлсам, ҳали нимадир ташкил этмоқчилиги, ногиронлар ўртасида тадбир ё спорт мусобақаси ўтказиш учун кимлар биландир мулоқот олиб бораётгани ёки машинасида кимнингдир ҳужатини чиқариш учун қайси бир раҳбарнинг олдигами кетаётганини кўраман.

НОГИРОНЛАРГА КЎМАКДОШ

Бир-икки суҳбатимизда Ойбек Исоқов марказда ногиронларга бепул ҳуқуқий хизматлар, маслаҳатлар кўрсатиш, бандлик бўлими орқали ногиронларга мос иш ўринларини излаб топиш ва уларга ногиронларни жалб қилиш, маданий-маънавий тадбирлар ташкил этиш, ногиронларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун кутубхона, ресурс маркази, ҳар хил тўгараклар, ихчамгина спорт мажмуи кабиларни ўз ичига оладиган ногиронларга ижтимоий кўмак кўрсатиш маркази очиш нияти борлигини айтиб қолганди.

Тиниб-тинчимайдиган бу инсон яқинда Ногиронлар жамияти қошида худди ўзи ўйлаган марказни очганини эшитдик. Хайрли ишга белни маҳкам боғлаб киришсанг, амалга ошиши ҳеч гап эмас экан. Асосийси, жамият тақдим этган лойиҳани молиялаштиришни Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси зиммасига олди.

Албатта, Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг асосий молиявий-иқтисодий таянчи республика ҳукумати эканидан кўз юмиб бўлмайди. Ногиронларга яратиб берилган имтиёзлар, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар, солиқ ва бошқа тўловлардаги енгилликларга қарамай, ногиронлар жамиятнинг эътиборталаб қатламлари бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг турли лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги хайрли ташаббусидан хабар топган жамият бошқаруви ва аъзолари турли таклифларни ўртага ташлаб Ногиронларнинг ижтимоий кўмак марказини тузишга аҳд қилишди. Лойиҳа ёзиб тайёрланиб, молиявий кўмак берувчи ташкилот ҳукмига тақдим қилинди. Маълум муддат махсус комиссия лойиҳани ўрганиб чиқиб унинг асосли экани тўғрисида хулоса берди. Жамият аъзоларининг ўша кунги қувончини кўрсангиз эди. Ҳуллас, эзгу ният, хайрли мақсадни кўзлаган кишилар томонидан жон деб қўлланди.

Мазкур марказ фаолияти давомида ногиронларга ижтимоий йўналишдаги турли масалаларда кўмакдош бўлишига, уларнинг дам олиши, даволаниши, маданий ҳордиқ чиқаришини мувофиқлаштиришга умид қилиб қоламиз.

Ислом СУЛТОНОВ

Ўлимга ҳукм қилинди

Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайн олий трибунал томонидан ўлим жазосига ҳукм этилди. Олий маҳкаманинг бундай қарорга келишига собиқ президент томонидан Дужайл қишлоғида 148 нафар шиа эътиқодидаги инсон қириб ташлангани асос бўлган.

Гарчи олий трибунал дастлабки ҳукмни эълон қилган бўлса-да, суд ҳали тўла якунланган йўқ. Навбатдаги маҳкама жараёнида Саддам Ҳусайнга қарши илгари сурилаётган курдларни кимёвий қурол воситасида оммавий қирғин қилиш айблови кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Суҳбат *Матншуносликнинг бугунги аҳволига бир назар*

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ... ОЛТИН МЕДАЛИ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари дунё мамлакатлари маданий ҳаётига доир янгиликларида Москва шаҳрида шу йил 10-11 август кунлари бўлиб ўтган "Китоб санъати" учинчи халқаро танлови натижаларини кенг ёритдилар. Ўзбекистон Республикаси учун энг катта ютуқ шунда бўлдики, талабчан ҳакамлар ҳайъати Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан "Боқий сатрлар" туркумида нашр этилган Ҳазрат Алишер Навоий "Хамса"сининг беш китобига биринчи ўринни бериб олтин медалга лойиқ топдилар.

Мухбиримиз ушбу нашр учун "Хамса" достонларини араб ёзувидан лотин ёзувида нашрга тайёрлаган матншунос Ваҳоб РАҲМОНОВ билан шу воқеа хусусида суҳбат қилди.

— Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг спорт ва маданият соҳасидаги ютуқлари жуда самарали бўлмоқда. Айниқса, Алишер Навоий ижодиётининг буюк куллиёти — "Мукаммал асарлар тўплами"нинг йигирма жилдининг нашр этилиши туркийлар оламидаги энг йирик ва мукаммаллиги билан жиддий маданий воқеа бўлди.

Орадан уч йил ўтар-ўтмас яна Алишер Навоий ижодининг гултожи — "Хамса" достонларининг беш китобда оҳорли бичимлардаги салмоқли нашри халқаро китобчиликда Ўзбекистон довруғини таратди: нашр халқаро танлов олтин медалига сазовор бўлди.

Ваҳоб ака, бу олий ютуқ Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси, маъмурияти, олимларга, жумладан Сизга муборак бўлсин.

Янглишмасам, бу нашр Алишер Навоий асарларининг лотин ёзувидаги илк намуналаридан бўлса керак?

— Ҳа. Бундан илгарироқ янги ёзувда Алишер Навоийнинг "Вафо қилсанг" номли ғазаллар тўплами ва "Лисон ут тайр" достонининг асли ва насрий баёни 2004-2005 йилларда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган эди.

— Менимча, ҳар бир янги ёзув шуғулланаётган халқ учун нақадар синов манбаи бўлса, мумтоз шоирлар асарлари нашри учун ҳам шундай бўлиб чиқади. Тўғри араб ёзувидан 1947 йилда Садриддин Айний қисқартириб нашрга тайёрлаган кирил ёзувидаги "Хамса", айниқса, 1959-1960 йилги "Хамса"нинг икки мукаммал нашри халқимиз ҳаётидаги сезиларли адабий ҳодиса эди.

Мазкур, лотин ёзувидаги нашр ҳам Ўзбекистон учун шундай маданий ҳодисадир. Биз китобхонлар илмий танқидий матн нима ва ундан нашрга тайёрлаш жараёнларини тасаввур этишимиз қийин. Нари борса, кирилл матнини лотинга компьютер жуда тез айлантириб беради, деган хаёлдамиз. Сизга биринчи савол: илмий-танқидий матн дегани ўзи нима? У қанақа китоб ва у қандай тайёрланади.

— "Хамса" достонлари илмий танқидий матнларини буюк матншунос олим Порсо Шамсиев яратганлар. "Лайли ва Мажнун" достонини профессор Ғулом Каримов ва "Садди Искандарий" достонини профессор Мавжуда Ҳамидова тайёрлашган. Илмий танқидий матн яратувчи олим бирор китобни тайёрламоқчи бўлса: ўша асарнинг барча қўлёзма, тошбосма ва бошқа нусхаларини саралаб йиғади. Нисбатан қадимийроқ ва энг мукаммал бир нусхани асос қилиб олади-да, бошқа нусхаларнинг ҳаммасига (10-15 нусха бўлиши мумкин) сўзма-сўз қиёслаб, сезилган фарқларни асосий матн ҳошияларида бирма-бир қайд этиб боради. Фарқлар: бир сўзнинг бошқа сўзга алмашингани, тушиб қолгани ёки сўз орттирилгани, ҳатто бирикма ва гап қўшилгани ёки туширилгани, тескари маъно берувчи сўз билан ифодаланган каби ҳолатлар бўлиши мумкин.

Илмий танқидий матн араб ёзувида яратилади.

Оммавий нашрлар ёки академик нашрлар имкон қадар илмий танқидий матн асосида тайёрланса, ишончли ҳисобланади. Чунки нашр илмий танқидий матн юзасидан тайёрланмаса — ишончсизроқ саналади. Буни тасаввур этиш учун турли йилларда нашр этилган "Ҳайрат ул аброр" достонидаги бир байтнинг тўрт-беш хил эканлигини мисолларда кузатайлик.

1947 йилги "Хамса"дан:

Туз кўрунур меҳр чу турғон суда,
Эгри бўлур **иштидод** урғон суда.

1960 йилги "Хамса"дан:

Туз кўрунур меҳр чу турғон суда,
Эгри бўлур **иштарак** урғон суда. (92)

1972 йилги "Навоий асарлари луғати"дан:

Туз кўрунур меҳр чу турғон суда,
Эгри бўлур **уштурак** урғон суда. (629)

Навоий "Асарлар" 6-жилд "Ҳайрат ул аброр" 1965 йил:

Туз кўрунур меҳр чу турғон сувда,
Эгри бўлур **иштарак** урғон сувда. (125-бет)

Илмий танқидий матн шундай ҳаракатларни олдини олиб, бир хил хулосавий матн тарзида яратилиши билан муҳимдир.

— Илмий танқидий матн асосида нашрга тайёрланган академик нашрларни саҳиҳ — яъни энг ишончли деб қараса бўладими?

— Аслида илмий таомилда шундай бўлмоғи керак. Таассуфки, амалиётда кўпинча шундай бўлиб чиқмайди.

— Нега?

— Афтидан бунинг қуйидагича мантиқий асослари бор:

1. Илмий-танқидий матн араб ёзувидан кўчирилгани ва бир киши меҳнати натижаси бўлгани учун у саҳиҳ матн бўла олади.

2. Илмий-танқидий матндан кирилл ёки лотин ёзувига кўчирилса — жараён мураккаблашади. Чунки араб ёзувида шакли бир хил, бироқ маънолари ҳар хил — яъни бошқа-бошқа сўзлар жуда кўп. Нашрга тайёрловчи сал зийракроқ бўлмаса жўн "вирд" (такрорлаш) сўзини атоқли от "Вард" ҳолида ўқиб юбориши ҳеч гап эмас.

Чунончи "Ҳайрат ул аброр"нинг илмий танқидий матнидаги ушбу байтни:

**Сомким адл қилди, вирд, қани?
Мазҳари зулм — Яздижирд қани?**

Шу илмий танқидий матнни тузган олимнинг ўзи "Хамса"нинг 1960 йилги нашрида байтни қуйидагича кўчирган:

**Сомким адл қилди. Вард қани,
Мазҳари зулм Язджард қани?**

Қиёсланг қандай катта фарқлар кўзга ташланади! Бунинг сабаби "Вирд" ва "Вард" сўзларининг араб ёзувидаги шаклдошлигидадир.

— Бу хатони кейинги йиллардаги нашрга тайёрловчилар тузатганларми?

— Таассуфки — йўқ: "Ўзбек адабиёти бўстони" туркумидаги "Сабъаи сайёр"да ҳам, Алишер Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг ўнинчи жилдида ҳам байт:

**Сомким адл қилди, Вард қани,
Мазҳари зулм Язджард қани?**

тарзида эълон қилинган...

— Кейинги нашрга тайёрловчилар матнни Порсо Шамсиев тайёрлаган 1959-1960 йилги "Хамса"дан кўчирганларми? Нега хато тузатилиш ўрнига такрорланади, ахир? Сиз илмий-танқидий матнда тўғри ёзилган дедингиз-ку?

— Барча кейинги нашрга тайёрлаган олимлар китоб бошида "Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрланди", деб ёзишган...

— Шундай хатоларнинг айнан такрорланиши тасодифий ҳолатми ёки асосан қайтарилаверганми?

— Ҳарқалай хатоларнинг бир хил такрори юзлаб маротаба кузатилди.

— Демак... Кейинги нашрларнинг илмий-танқидий матн асосида тайёрланмаганига етарли асослар бор... Шундайми?

— ...

— Яна шундай жиддий хатолар такрорига мисоллар келтира оласизми?

— Энг қалтис нуқсонлардан бири "қалбғоҳ" (жангга саф тортган лашкарнинг шоҳ турадиган ўрни) **"калбғоҳ"** "итхона" тарзида ўқилишида содир бўлган:

Илмий-танқидий матндан кўчирамиз:
**Не ажаб бўлса кўнгул ўрниға шоҳ,
Чунки эрур шоҳ еди қалбғоҳ.** (180-бет)

"Хамса"нинг 1960 йилги нашридан иқтибослаймиз:
**Не ажаб ўлса кўнгул ўрниға шоҳ,
Чунки эрур шоҳ ери калбғоҳ.** (131-бет)

Энди шу матнни Навоий асарлари йигирма жилдлигининг еттинчи жилдидан кўчирамиз:
**Не ажаб ўлса кўнгул ўрниға шоҳ,
Чунки эрур шоҳ ери калбғоҳ.** (307-бет)

Нашрлар матнига ишонсак, шоҳнинг яшаш жойи калбғоҳ — итхона бўлиб чиқади...

Иккинчи бир жиддий нуқсон: "Каср" (кишилар тизилиб ўтиргандаги энг пастки, қуйи ўрин — пойгак) сўзи "қаср" тарзида нашр этилган. "Хамса" (1960 й.) йилнинг 41-бетидан:

**Қаср ҳаримида мақом айлади,
Ажзу таҳайюрға қиём айлади.**

Навоий асарлари йигирма жилдлиги еттинчи томининг 77-бетидаги байт ҳам ана шу нуқсонли мисраларни айнан такрорлайди:

**Қаср ҳаримида мақом айлади,
Ажзу таҳайюрға қиём айлади.** (45-бет)

Бундай мисолларни, яъни жиддий нуқсонли байтларни "Хамса"нинг ҳар бир достонининг илгариги нашрларидан ўнлаб эмас, юзлаб кўрсатишимиз мумкин. Бу ҳолат Ўзбекистонимизда матншунослик аҳволининг ғариблиги, матншунослик танқидининг йўқ даражада озлиги билан изоҳланади. Нуқсон бундагина эмас, балки олимларимизнинг матн танқиди — саҳиҳлик учун курашни илм бахти деб эмас, балки шахсий адоват деб тушунишларидадир. Кўпчилик олимларимизнинг эътиқод тушунчалари: "Мумтоз асарларда минглаб хато кетса... менга нима? Буни айтсам фалончилар ранжийдилар, сўнг гуруҳлашиб менинг илдизимни қуритадилар-а. Ҳай-ҳай! Ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолаверсин!" тарзидадир.

Мумтоз адабиётимиз нашрлари соҳасидаги сернуқсонлиликни ҳамма олимлар биладилар, илло айтмайдилар. Буни очиқ айтишга ботинган мард эса майдонда айримларга иғвогар, ғаламис бўлиб кўринади.

"Мен сенга тегмайман, сен менга тегма" тамойилида матнчилик ва матншунослик назария ҳамда амалиёти яшамоқда... Бора-бора бу тамойил нимага келтиради? Чаласаводликка, илмдаги ҳақиқатни тан олмайдиган бош-бошдоқликка олиб келади, холос.

— Ваҳоб ака, Алишер Навоий "Хамса"сининг беш китобини асосан сиз Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матндан лотин ёзувида нашрга тайёрлагансиз. Шу меҳнатингиз жараёнини батафсил айтиб берсангиз.

— "Хамса"нинг беш китобини араб ёзувидаги илмий-танқидий матндан сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф лотин ёзувига кўчириб чиқдим. Гарчи ўзимга нисбатан ишончим, идрокимга нисбатан таянчим бўлса-да, ўз нуқсонларимдан, бошқа нашрга тайёрловчилар ютуқ ва камчиликларидан мукаммал хабардор бўлиш учун шу беш достонни "Хамса"нинг 1960 йилги нашрига, Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг 7-11 жилдларига сўзма-сўз, мисрама-мисра, байтма-байт синчиклаб қиёслаб чиқдим. Шунда ҳам ҳар бир достонда ўзим сезган ўнлаб муаммолар қолди. Ўшаларни зора ҳал қилсам деган умидда 30-90-йиллар орасида босилган "Хамса"нинг лотин ва кирилл ёзувидаги алоҳида нашрларини топиб, ўша муаммоли ўринларни кузатдим.

Ҳеч ҳал бўлавермаган байтларни шахсий кутубхонамдаги азиз дўстим Абдужаббор Эсонов совға қилган Навоий куллиётига қайта-қайта мурожаат этдим.

Ишни ўзимга кўпайтирганим менинг илмдаги қўрқоқлигим эмас, балки мумтоз даҳо шоир сўзи масъулияти олдидаги вазифам туфайлидир.

Шунда ҳам ўзимча тўла ҳал бўлмаган муаммоларни улуғ устоз ва ҳамкасблардан: академиклар Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов, профессорлар Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Иброҳим Ҳаққулов, Саидбек Ҳасанов, матншунос Маҳмуд Ҳасаний, донишманд устоз Ёқубжон Исҳоқов, ҳатто айрим зийрак шогирдлардан ҳам сўраб суриштирдим. Жумладан, Алибек Рустамовнинг уйларига ҳам бордим, метро вагонида ҳам сўрадим. Маҳмуд Ҳасаний ишхоналарига — Ўзбекистон Фанлар академияси, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига имдод сўраб бордим.

— Сиз тайёрлаган беш достон билан "Хамса" достонларининг собиқ нашрлари орасида қандай фарқ бор?

— Бу соҳада Устоз Порсо Шамсиевни истисно қиламан. Улар қўл етмас — намуна. Бошқа ноширларга келсак, мен — қўрқоқ эҳтиётқор, бошқалар — юракли ва ботир.

— Улар хато қилишдан қўрқмайдиларми?

— Уларга иккита далда бор:

Биринчидан, бу китобни оз одам ўқийди:

Иккинчидан, ҳеч ким менчалик билмайди. Нусхамдан хато чиқмайди деб ўйлаб ўзларини хотиржам қиладилар.

Учинчи далда ҳам бор: "Менинг хатомни кўрсатадиган мард чиқиб қолсачи... унда ўзидан кўрсин!"

Ана шу хаёллар бандалари, улуғлик бандалари олимлар сафида оз эмас.

— Ваҳоб ака, Сиз тайёрлаган "Хамса" достонлари билан аввалги нашрларнинг энг жиддий фарқларини айтсангиз.

— Биринчиси: Бу мутлақо янги — лотин ёзувида амалга оширилди. "Мутлақо янги" деганимнинг боиси бор: бу ёзув — 30-йилларда ўн йил амал қилган лотин ёзувидан жиддий фарқ этади. Олдинги нашрларнинг асосий қисми — кирилда амалга оширилган.

Иккинчиси: агар тиниш белгилари, сўз ҳар хилликлари, сўз узишлар, сўзни хато ўқишларнинг ҳаммасини нуқсон ҳисобласак, илгариги нашрлардаги китобларнинг ҳар бирида ўнта, юзта эмас, мингта ва ундан кўпроқ хатолар содир қилинган эди. Ана шу хавфли мактаб — менга сабоқ бўлди. Ва имкон қадар Алишер Навоийга садоқатли котиб бўлишга ҳаракат қилдим. Чунки чумолига озор бермайдиган Алишер Навоий шунчаки котибларга нисбатан шунчалик қаттиққўл бўлсалар:

**Ғалат битир котиб бобида қалам сурмагу
Қорасининг ғалатин юзига келтурмак
Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани қўпормоқ керак.
Юзин номасидек қора айлабон,
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.
Қоғадин қораға берибон улоқ,
Қаламравдин ани чиқормоқ керак.**

Бир китобни бузган котибга бунчалик жазони лойиқ кўрсалар... Ўн, юз минглаб нусхага асос матн тайёрловчи — яъни танқидий матндан асарни нашрга тайёрловчи олимга нисбатан (агар у минглаб хатоларга китобларда йўл қўйса) қанақа жазолар кўрган бўлур эдилар?

Мени ана шу жазо чўчитади эмас, қўрқитади! Қўрқитади эмас, ваҳимага солади! Шу маънода мен ўзимни қўрқоқ деб ҳисоблайман.

— Юқоридаги бир фикрингизга қизиқиб қолдим. "Ўз тайёрлаган нусхамни бошқаларникига қиёслаб ўз нуқсонларимни, бошқа ноширларнинг ютуқ ва камчиликларини тўлиқ ўргандим", дедингиз. Шуни изоҳлаб берсангиз.

— Навоий асарларини бошқа ёзувда нашрга тайёрлаш кўп муаммоларни юзага чиқаради. Негаки араб ёзувида шаклга келсак насрий баёнлардаги нуқсонлар имкон қадар озайтирилган дейиш мумкин.

Янги нашрнинг тўртинчи бир фазилати замонавий китобчилик санъати — яъни дизайн билан изоҳланади. Рассомлар Анатолий Бобров ва Баҳодир Жалоловларнинг илҳомлари меваси сифатида оҳорли бичим ва хилма-хил расмлар билан муқова ва ички матн қисмининг таъминланиши китобга алоҳида жозиба, кўрк бағишлаган. Навоий асарларининг ҳозиргача бизда яратилган нашрлари бунчалик гўзал ва салмоқли муқоваланмаган эди.

Шунинг учун халқаро китоб кўргазмаси ҳайъати қарорини эшитган Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг директори Мизроб Бўронов: "Қандай бахтки, китобчиликдаги олтин медал бизнинг Алишер Навоиймизга насиб этди!" дея ҳаяжонларини яшира олмадилар. Зеро бу китобни бугунги навқирон ёшларга шундай гўзал ва аслу табдилни мукаммал ҳолатда етказиш ғояси шу кишида туғилган эди. Биз, олимлар ва рассомлар гўё ана шу қутлуғ ниятга қўшқанот бердик.

Мазкур нашр аҳамиятини қуйидагича изҳор этиш мумкин:

— "Хамса" достонларининг мазкур янги саҳиҳроқ нашри олимлар ва илм аҳлига, зиёлиларга мўлжаланган ишончли нусхалардир.

— Кенг китобхон оммаси: мактаб, колледж, лицей, гимназия ўқувчи ва талабалари идрокига мослашган китоблар ҳамдир. Чунки ҳар бир достон аслияти давомидан ҳозирги ўзбек тилидаги мукаммал насрий баёнлари ҳам берилган. Табдилларни академик Ғафур Ғулом, Навоийшунос аллома Абдуқодир Ҳайитметов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Мавжуда Ҳамидова ва яхши қалам соҳиблари — Иноятулла Махсумов ва Наим Норқуловлар амалга оширишган.

— Ваҳоб ака, сўнгги саволим: Ушбу "Хамса" достонлари матни мутлақо хатосиз, дея оласизми?

— Бу ўта қалтис ва жиддий саволга жавобим бор. Сир эмаски, Навоий асарлари нашри ноширига ҳеч бўлмаса, уч-тўртта тилни, айниқса серлаҳжа бўлган туркий тилни қадимдан Навоий давригача бўлган сўзларини тўла-тўкис билишга масъулдир. Бироқ бир одам — ҳамиша ўз ёлғизлиги ва ожизлигини "Хамса"дай муҳташам қасрдай улуғ китоб олдида очиқ сезади. Бироқ ишни бўйинга олган олим Ҳақдан ва Ҳазрат Навоийнинг ўзларидан имдод тилаб ишга киришади.

Мен ўзгаларга нисбатан қанчалик талабчан бўлсам, ўзимга нисбатан ўн чандон талабчанман. Афсуски, иш улуғ, ўта узоқ муҳлатталаб. Менимча ҳар бир достон устида бир йил ишлаш керак эди. Ҳолбуки, мен нашриёт эҳтиёжига бўйинсуниб бир йилда ушбу ишларни якунлашга мажбур эдим.

Шунинг учун нашрда хатолар кетган бўлиши мумкин. Мен ўзим аллақачон беш достон аслиятини қайта ўқиб чиқиб улгурдим ва бир неча хатолар топдим.

Бу нуқсонлар асосан тиниш белгиларда ва лотин ёзувининг биздай ёши улуғлар учун анчалик қийинлиги туфайли (бир неча ўринда эр — ер ҳолида, эл — ел ҳолида босилган) содир бўлди. Ўйлайманки, орзу қиламанки бу янги ёзувдаги нашр савияси — нуқсон ва ютуқлари ҳақида ёзишларга устоз ва ҳамкасбларимизда имкон топилажак.

— Ваҳоб ака, самимий, батафсил суҳбатингиз учун миннатдорман.

Исмат ХУДОЁРОВ
суҳбатлашди

Қизиқ

Аксарият машҳур кишилар ҳаётини кузатсангиз, улар маълум бир ҳикматли гапни ўзларига шиор қилиб бутун умри давомида унга амал қилиб ўтганликларининг гувоҳи бўласиз. Балки бу шиорлар уларнинг машҳур кишилар бўлиб етишишлари учун туртки бўлгандир.

Ким қандай шиор танлаган?

Буюк бобокалонимиз *Амир Темур* ўз салтанатини **"Куч адолатдадир"** деган ғоя асосида қуришга ҳаракат қилган. Юнонистон давлат арбоби *Салон*: **"Ҳеч бир нарса меъёридан ошиб кетмаслиги керак"**, деган сўзларни ҳамиша ёдда тутган. Француз ёзувчиси *Виктор Гюго*: **"Ишлаш ва қайта ишлаш зарур"**, деган гапни бот-бот такрорлаб юрган. Венгер композитори *Ференц Лист*: **"Ёзсанг яхши асар ёз, бўлмаса ёзма"**, деб айтилган сўзларга амал қилган. Француз шоири ва тарихчиси *Альфонс Ломартин*: **"Танангда жонинг бор экан — умид қил"**, деган гапни доимо таъкидлаб юрган.

Машҳур олим *Плутарх* эса: **"Ҳаракат — ҳаёт омборхонаси"**, деган иборага содиқ қолган. *Менделеев* истеъдод аҳли ҳақида: **"Жон фидо қилиб ишламаса, на истеъдодлар, на даҳолар юзага чиқади"**, деб айтган. *Бетховен*: **"Истеъдодли ва меҳнатга муҳаббатли одамнинг йўлини ҳеч нарса тўсолмайди"**, деган фикрлар билан ўз санъатини жаҳонга ёйган. *Б. Шоу*: **"Тиришқоқлик илм сари ягона йўлдир"**, дея таъкидлаган.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай инсон ҳаётда бирор ютуққа эришишни истаса, ўз олдига аниқ ва мустаҳкам мақсад қўймоғи лозим. Юқоридаги ҳикмат ва шиорлар буюк зотларнинг улкан ютуқларга эришиши учун пойдевор бўлган эди дейиш мумкин.

Абдулазиз РУСТАМ
ўғли

— Маз-за!..

ҚИЁМГА ЕТМАГАН ГАПЛАР

Салимахон мени кўрди дегунча она кўкрагини оғзига олган гўдакдай доим яйраб кетади.

(Ошиқ йигит мақтаниши)

Қизлар бўлмас киприксиз,
Дарё бўлмас кўприксиз...

(Ошиқ шоир хиргойиси)

«Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик!» эмиш... Шуям қўшиқми? Қачон одам бўлади, бу одамлар-а?

(Радиотингловчи таажжуби)

Хотин деганни тез-тез мушглаб туриш керак. Бўлмаса, зеҳни пўстаклигича қолаверади...

(Онанинг ўғлига насиҳати)

У ёнида ўтирган кишига бузоқ кўзлари билан бир ит қараш қилди.

(Ёш қаламкаш асаридан)

Ўзи забардаст, девдай йигит, лекин гапларидан нуқул латта ҳиди келас.

(Қўшни қизлар суҳбатидан)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ тайёрлади

Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист **Анвар Юсуповнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

O'zbegim aagiah yet! HURRIYAT

Мусасис: Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 1355
Т: 2059
2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.